

ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ”

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Мен ва менинг оилам					
Муддати	Сентябрь ойининг 3-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Гимнастика нарвончаси бўйлаб зиначаларни қолдирмасдан тирмашиб чиқиш. Оёқ учида юриш, тиззани баланд кўтариш. Предметлар остига ўнг ва чап ён билан кириш. Конструкторнинг катта ва кичик қисмларидан турли предметларни яшаш. Ҳожатдан сўнг ўз-ўзига хизмат қилиш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз тенгдошларига нисбатан ижобий туйғуларини ифодалаш, ўз ҳисларини намоён этиш, ўзини ишончли ҳис қилиш. Ўз оиласига нисбатан меҳрли муносабатни ифодалаш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Кишилар касбини ифодаловчи от туркумларини, меҳнат ҳаракатини ифодаловчи феълларни қўллаш. Таълимий ва ҳаракатли ўйинларни ўйнаш. Бадиий асарларни тинглагандан сўнг уни номлаш. Гуруҳ тартиб-қоидаларига амал қилиш, ўйинчоқларни йиғиб ўз жойига қўйиш. Китоб иллюстрацияларини кўздан кечириш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	2-3 та белгига кўра предметларни гуруҳлаш. Предметларни икки хил қисмларга бўлиш. 5 гача санок кетма-кетлигини билиш. Амалий тажрибаларда қизиқиш билан иштирок этиш. Баъзи амалий жараёнларнинг аҳамиятини билиш				
	Ижодий ривожланиш	Муסיкий асарларнинг характерини ҳиссий идрок этиш. Муסיкий ўйинларни мамнуният билан ўйнаш. Муסיка ритмига мос рақсга тушиш. Баъзи муסיка асбобларининг овозини ажрата олиш. Пластиндан нарсалар яшаш. Сюжетли-ролли ўйинларда иштирок этиш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Тепалик курамыз		Қўғирчоқ учун ётоқ ясаймиз		Қурилиш материаллари тўплами, майда ўйинчоқлар, намуна
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Оила” сюжетли-ролли ўйини				Қўғирчоқлар, ўйинчоқ идиш-товоқлар, қўғирчоқ учун ётоқ, ўғил болалар учун ўйинчоқ
	Тил ва нутқ	“Иноқ оилам” Таълимий ўйини		Бизнинг уйимиз, бизнинг оиламиз Викторина		Арғимчоқ, обрuch, ленталар, копток, журналлардаги оила ҳақидаги расмлар
	Фан ва табиат	Табиат ҳодисаси: Шамол		Тажриба: Тошлар олами		Расмлар, кемалар, сув солинган идиш, фен, елпиғич
	Санъат	Қўғирчоқ кўйлагини безаш		Аппликация: Идишни безатиш		Лой иши: Ҳар хил пирамидалар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

СЕНТЯБРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА МЕН ВА МЕНИНГ ОИЛАМ

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Тепалик қурамыз

Мақсад: болалар ўз тасаввурларига кўра ёки намунадан фойдаланган ҳолда қурадилар (қурилма намунаси берилади). Қурилма учун деталларни мустақил равишда танлайдилар. Бошланган ишни охирига етказадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари тўплами, майда ўйинчоқлар, тайёр қурилмалар намуналари, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Тепаликлар тасвирланган расм (слайд)ларни кўриб чиқиш
2. Намуналарни кўрсатиш.
3. Қурилмани яратиш кетма-кетлиги муҳокамаси ва материал танлаш.
4. Болалар иш жараёни
5. “Кўпроқ–камроқ, тенглик-тенгсизлик” таълимий ўйин.
6. Болалар иши муҳокамаси, болалар ижодини рағбатлантириш.

Қўшимча: тавсия қилинган қурилмалар ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳатлар: болаларда қуриш ва ясаш қобилиятини ўстириш, ижодий фаоллик ва мустақилликни ривожлантириш.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Қўғирчоқ учун ётоқ ясаймиз

Мақсад: болалар ётоқ қурилмасини ясайдилар, қурилиш materiali, ётоқхона анжомлари ва улардан фойдаланишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, ғиштча, кубик, геометрик шакл, расм, фотосуратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани томоша қилиш.
2. “Қўғирчоқнинг туғилган куни” таълимий ўйин (сутка қисмлари).
3. Қўғирчоқ учун ётоқ қуриш-ясаш.
4. “Қўғирчоқни ухлатамиз” таълимий ўйинида қурилмадан фойдаланиш.

Қўшимча: Мебель расмларини кўриш.

Эътиборга молик жиҳатлари: ўз қурилмаларига нисбатан масъулиятли муносабатда бўлиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Оила” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар оила ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирадилар, оила аъзолари ва уларнинг вазифаларини биладилар, ролларни тақсимлай оладилар, сюжетни очиб берадилар, ўйинда турли хил ўйинчоқлардан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, қўғирчоқ, ўйинчоқ идиш, қўғирчоқлар учун ўрин-кўрпа, ўғил болалар учун ўйинчоқ анжом, ўйин тўплами - қўғирчоқ доктор, озиқ-овқатлар тўпламлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Оила” мавзусида кириш суҳбат ва видеолавҳа намоиши.
2. Ўйин жиҳозлари билан танишиш (Лола исмли қўғирчоқ меҳмонга келади)
3. Ўйин ролларини тақсимлаш.
4. Ўйин жараёни.
5. Ролларни алмаштириб ўйнаш.
6. Ўйинни якунлаш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: “Биз қўғирчоқлар билан қандай ўйнаймиз?”. “Қандай идишлар бўлади?”, “Онамизга қандай ёрдам берамиз?”, “Ким ким бўлиб ишлайди?”. Болалар билан биргаликда ўйинга атрибутлар тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ўйин жараёнида болаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро муносабатлари. Оилавий муҳитни ёритишда болаларнинг ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш.

Тил ва нутқ маркази

“Иноқ оилам” таълимий ўйин

Мақсад: болалар диққат, тафаккур ва хотираларини янада ривожлантирадilar, оиладаги қариндошлик муносабатларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расмлар, оила аъзоларининг бир дастурхон атрофида, байрам кунларида, меҳнат қилаётган жараёнлари тасвирланган расмлар, оила ҳақида журнал ва расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Ўзаро суҳбат қуриш.
3. “Иноқ оилам” таълимий ўйинини ўйнаш. (оила аъзолари ва улар истиқомат қиладиган уй ҳамда уй жиҳозлари тасвирланган карточкалар орқали оила аъзоларини байрамон дастурхон атрофига жамлаш)
4. “Бармоқ” ўйини. Қаранг бармоқларимизда иноқ оила.
Бу бармоқ – бува
Буниси – буви
Буниси – ота
Буниси – она
Буниси – мен.
Мана менинг иноқ оилам.
5. Болаларни рағбатлантириш, якуний муҳокама.

Қўшимча: луғатни бойитиш, “Расмлардан оила аъзоларини топ” таълимий ўйини орқали оилавий альбом тузиш.

Эътиборга молик жиҳати: хотирани мустаҳкамлаш, нутқни ўстириш, оила аъзоларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни шакллантириш.

Тил ва нутқ маркази

Бизнинг уйимиз-бизнинг оиламиз. Викторина

Мақсад: болалар оилада ота-она, бува-бувиларнинг ўрни, опа-сингил ва ака-укаларнинг вазифаларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оилавий суратлар, медаллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Аҳил оила ҳақида ҳикоя (ҳар бир бола ўз оиласи ҳақида ҳикоя қилади).
2. “Оилангизда ким қандай меҳнат қилади?” (дўконга боради, тозалайди, ювади ва ҳ.к) таълимий ўйин (копток билан ўйнаш).
3. “Оилангиз қандай?” (катта, кичик, иноқ, меҳнаткаш...)суҳбат.

Қўшимча: болаларни сифат ва феъл туркумларини билиш ва уларни тўғри қўллашга ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: оила аъзоларига нисбатан муносабатлар, бир-бирига ёрдам бериш иштиёқи.

Фан ва табиат маркази

Табиат ҳодисаси. Шамол

Мақсад: болалар шамол–табиат ҳодисаси эканлигини биладилар, турли предметларнинг шамолда тебранишини кўрсатиб бера оладилар.

Керакли жихоз ва материаллар:расмлар, қайиқча, сув солинган идиш, фен, елпиғич.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Учадиган уруғлар” суҳбат. Шамолда учаётган момоқаймоқ уруғи ва терак кучаласи, уларнинг табиатда тарқалишида шамолнинг аҳамияти ҳақида болаларда тасаввур ҳосил қилиш.
2. Кузатиш: шамол эсаётганлигини қайси белгиларга кўра аниқлаш мумкин?
3. “Шамол ҳосил қилиш” нафас машқи
4. “Бўрон” амалий тажриба. Болалар қайиқларни сувга туширадилар, елканларга пуфлайдилар, қайиқлар шамол туфайли ҳаракатга келади, яъни сузади. Шамол бўлмаса қайиқлар билан нима содир бўлади? Агар кучли шамол турса-чи? Кучли бўрон бўлса қайиқ ҳалокатга учраши мумкин.
5. “Учади–учмайди” фен билан амалий тажриба. Шамол туфайли қайси предметлар учиши, қайсилари учмаслигини аниқлаш. Енгил, оғир тушунчаларини изоҳлаш.
6. “Шамол”. Елпиғич ёрдамида юзимизни елпиймиз. Биз нимани сезяпмиз? Елпиғич нима учун керак?

Қўшимча: чархпалак ясаш.

Эътиборга молик жиҳати:болаларда билиш жараёнини фаоллаштириш.

Фан ва табиат маркази

Тошлар олами. Катталар ёрдамида амалий тажриба

Мақсад: болалар тошларнинг хусусиятларига қараб: қаттиқ, силлиқ, оғир, ялтироқ, ғадир-будур, чиройли ажрата оладилар ва хулоса қила оладилар.

Керакли жихоз ва материаллар:турли хил тошлар, сувли идиш, лупа.

Фаолиятнинг бориши:

1-тажриба: Тошлар қандай бўлади?

Болалар, диққат билан тошларга назар солинг. Ушлаб кўриб, тошларни шакли, ранги, юзасига кўра фарқланг. Тошлар – силлиқ, қаттиқ, ғадир-будур, муздек, чиройли, нотекис, ўткир, оғир, енгил, катта, кичик, рангли, овал ва думалоқ шаклларда бўлади.

2-тажриба: Чўкади-чўкмайди.

Сувда тош ва тахта қандай бўлади? Тасаввур қилинг, олдингизда сув тўлдирилган идиш, ёғочни сувга ташлаб кўринг. У нима қилади? (Ёғоч сузадими?) Келинг, тошни сувга секин туширамиз. У нима қилади? (Тош чўкдими?) Нега? (У сувдан оғирми?) Нега ёғоч сузди? (У сувдан енгилми?).

3-тажриба: Лупа орқали тошларни кузатиш.

- Ҳозир тошни лупа орқали кўрамиз.

- Нимани кўрдингиз?

- Ёриқлар, нуқталар, чуқурчалар, дўнгликлар, қумлар.

4-тажриба: Тошларни бир қатор қўйинг ва улар қандай нақш, рангларда эканлигини айтинг.

–Каттасидан кичкинасигача, ғадир-будуридан силлиғигача, энг оғиридан энг енгилгача. Тошлардан нақш териш.

5-тажриба: Тошлар товуш чиқарадими? Ҳар хил товушлар эшитилади.

- Кафтингизга бир нечта тошни олинг, уларни кафтлар орасида силкитинг ва эшитинг, улардан қандай товуш чиқяпти? Нимани эшитдингиз?
- Ҳар хил тошларни бир-бирига уриштиринг.
- Агар тошларни бир-бирига уриштирадиган, улар товуш чиқарадими? Болалар, тошлар ёрдамида мусиқа асбоби – шақилдоқни ясаш мумкин.

2. “Ҳиссиётлар қопчаси” таълимий ўйини. Қопчада бир нечта тошлар бор. Қопдаги энг кичик, текис, катта ва бошқа тошни топиш керак.

Қўшимча: “Уч чўчка боласи” эртагини тинглаш. Тошлардан ясалган безаклар, қурилмалар, хайкаллар, сувенирлар билан танишиш.

Сайрга биз чиқдик,
Ҳар хил тошларни топдик.
Йўлакчадан биз бордик, кўпгина тошларни топдик.
Ўтирдик, тердик ва йўлимизда давом этдик.
Ўнг томонга биз юрдик, кул ранг тошларни топдик,
Ўтирдик, тердик ва йўлимизда давом этдик.
Тепаликка биз чиқдик, қиррали тошларни топдик,
Тепаликдан биз тушдик – оппоқ тошларни топдик,
Топган тошларимизни боғчамизга олиб келдик.

Қўшимча: “Қандай тошлар бор?” мавзусида кичик ҳикоя тузиш ва дўстларига айтиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда фикр-мулоҳаза қилишнинг шаклланиши. Табиий бойликларни асрашга ўргатиш.

Санъат маркази

Қўғирчоқ кўйлагини безаш. Декоратив расм чизиш

Мақсад: болалар таниш элементлардан – чизиқлар, нуқталар, айланалардан нақш ҳосил қилишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоздан қирқилган кўйлакча, бўёқ, мўйқалам, идишларда сув, қўғирчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сюрприз дақиқа –болалар ёнига Лола исмли қўғирчоқ меҳмонга келади.
2. Ҳар хил кўйлаклардаги нақшларни кўриб чиқиш.
3. Расм чизиш.
4. Болалар ишлари кўргазмаси. Лола исмли қўғирчоққа янги кийимларни кийдириб кўриш.

Қўшимча: болаларни миллий кўйлаклардаги ҳар хил нақшлар билан таништириш. Сўз бойлигини ошириш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодкорлик ва эстетик тарбияни ривожлантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Идишни безатиш

Мақсад: болалар идишларнинг турлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар, унинг ишлатилиши, нималардан ясалганлигини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: чой ва ошхона сервислари чизилган намуна, ошхона идишлари ҳақида топишмоқ, клеёнка, клейстер, матоли даструъмол, мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши

1. Чой идишлари ҳақида суҳбат.
2. “Топишмоқни топ” таълимий ўйини.
3. “Тўртинчиси ортиқча” таълимий ўйини.
4. Аппликацияни бажариш.
5. Ўз иш жойини йиғиштириш.
6. Бажарилган ишлар кўргазмаси.

Қўшимча: чой ичиш идишлари ҳақида тушунчаларни шакллантириш, қўл ва бармоқ гимнастикаси.

Эътиборга молик жиҳати: ижодкорлик ва эстетик дидни ривожлантириш.

Санъат маркази

Лой иши: Ҳар хил пирамидалар

Мақсад: болалар турли катталиклдаги дискларда пирамида ясай оладилар, пластилиндан турли шаклдаги шарларни яшашни ва кафтлар орасида текислашни биладилар, ранг, шакл ва катталикларни ажрата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:расм, ўйинчоқ пирамида, пластилин, пичоқча, тахтача, қоғоз салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Таълимий машқ. Кетма кетликда (баланддан пастга, пастдан баландга) пирамидаларнинг рангини айт. Барча пирамидаларни таққосла.
Пирамида ясашда
Дўстлар ёрдам беринглар.
Турли халқалар олиб,
Бир-бирига қўйинглар.
2. “Ким биринчи тахлайди” таълимий ўйини.
3. “Худди шундай пирамидани йиғ” таълимий ўйини. Ҳар хил катталиқ ва миқдордаги предметларни таққослаш машқлари.
4. Пирамидаларни лойдан яшаш жараёни.
5. Болалар бажарган ишларнинг таҳлили, рағбатлантириш.

Қўшимча: ўйинчоқ пирамидаларни олиб кўриш, турли катталиқдаги рангли халқачалар билан машқлар ва таълимий ўйинлар.

Эътиборга молик жиҳати: боланинг ижодий қобилияти, эстетик дид, тасаввур ва қўл майда моторикасини ривожлантириш, лой ишига қизиқишни уйғотиш.